

Ахборот хуружларида инсон онгига таъсир этувчи психологик усулларнинг қўлланилиши

Ш.Ф.Мустафаева

ФВХТХҚТМОИ

**маънавий маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор, психология
фанлари номзоди**

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда долзарб бўлган инсон онгига таъсир этиши, ахборот хуружларининг воситалари, миш-мишларнинг инсон онгига таъсири масалалари ёритилган. Ахборот асрининг ижобий ва салбий томонлари, мафкуравий тазъийик механизмларида миш-мишлардан фойдаланиш ва уларга қариш турши омиллари баён этилган.

Калит сўзлар: ахборот хуружи, таъсир этиш механизмлари, миш-мишлар, ахборот технологиялари.

Аннотация: в данной статье раскрыты механизмы влияния информационно-психологических средств через слухи на сознание личности. Проанализированы приемы и виды воздействия слухов при информационно-психологических действиях, а также методы противостояния, положительные и отрицательные аспекты информационного века.

Ключевые слова: информационная война, механизмы воздействия, слухи, информационные технологии.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда”, деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, тараққиётнинг, глобаллашувнинг серқирра таъсирини ҳар соҳада кўришимиз мумкин. Тараққиёт ривожланиш босқичларига назар солар эканмиз, у ўзига хос томонларга эга бўлганлигини, инсониятга турлича таъсир этганини гувоҳи бўламиз.

Америкалик футуролог Э. Тоффлер фан ва техника тараққиёти тўлқинлар каби юзага келади деб таъкидлаган.

Бирламчи тўлқин- “қишлоқ хўжалигининг ривожланиши”.

Иккиламчи тўлқин- “саноатнинг ривожланиши”.

Учинчи тўлқин- “технологик ривожланиш”.

Биринчи тўлқин 10.000 минг йил аввал бошланган. У ибтидоий жамоа тузуми шаклини бузиб, меҳнатни тақсимланишига ва шажаравий ташкилий тузилмаларни юзага келтирди.

Иккинчи тўлқин 300 йил аввал бошланиб, хали дунё билмаган энг кудратли, жипслашган ва экспансионистик ижтимоий тизимни яратди.

Учинчи тўлқин XX асрнинг 50- йилларида юзага келди. У “информацион портлаш”, ахборотнинг ўсиши билан боғлангани, натижада инсон унинг ҳажмини янги информацион технологиялар ёрдамисиз бошқара олмай қолди. Шунинг учун ҳам бу “технологик ривожланиш” деб аталди.

Ушбу психологик характерга эга бўлган технологик операциялар XX аср бошларида янги иқтисодий муносабатлар ўсиши билан глобал аҳамиятга эга бўлиб қолди. Техник ва информацион тараққиёт, ОАВ лари бундай ахборотларни кенгайтишига замин яратди. «Психологик ҳуруж» ибораси XX аср ўрталарида вужудга келиб, асосчиси сифатида махсус операциялар бўйича америкалик жосус – мутахассис П.Лайнбарджер саналади. П.Лайнбарджернинг 1948 йил нашрдан чиққан «Психологическая война» китоби психологик операцияларни олиб бориш бўйича ҳозирги кунда ҳам дарслик сифатида қўлланилади.

А.Гитлер ва Гебелслар ҳам бундай операцияларнинг аҳамиятига катта эътибор қаратар эдилар ва бунинг учун Германиянинг энг кучли психолог ва социологларидан фойдаланишар эди. АҚШ ва Европанинг ахборот психологик ҳуруж операциялари замонавий мутахассислари томонидан А.Гитлер ва Гебелснинг нутқлари методик қўлланма сифатида ўрганилиши сир эмас.

«Информацион таъсир» ибораси XX асрнинг 30 йилларида инсониятнинг информацион онгига таъсир этишда янги компьютер ва коммуникация технологияларининг тараққий этиши билан вужудга келди.

Ҳозирги замонда АПХ (ахборот психологик ҳуруж) ҳам тинч, ҳам уруш даврида аҳоли ва ҳарбийларга қарши ишлатилиб келинмоқда. Ҳарбий операциялардан фарқли ўлароқ АПХ моддий қадриятларни йўқотмайди, инсонларни қурбон қилмайди, боши – охири аниқ эмас, фронт чизиғи ва аниқ иштирокчилар сони белгиланмаган, бироқ унинг кучи шунда-ки, ушбу АПХ йўналтирилган давлат фуқароси турли ОАВ орқали олган латифа, аскиялар, ахборот ва миш-мишлар, хаттоки маълум бир кийим-кечак мода услубини тарғиб этиш орқали ўз давлатига онгсиз равишда қаршилиқни ифодаламоқда. ИПХ заҳирасида ҳуруж ва операцияларнинг қўплаб техник, коммуникацион усул воситалари мавжуд.

Бир давлатга қарши йўналтирилган иккинчи давлатнинг АПХ мутахассисларини мақсади:

- давлат органлари мавқеини синдириш, бошқарув органларини дискредитация қилиш;
- жамият онгини ва давлат аҳолиси ижтимоий қатламларининг сиёсий ориентациясини бузиш ва бошқариш;

- ижтимоий, иқтисодий, диний, миллий низоларни вужудга келтириш ва уларни кескинлаштириш.

Америка, Англия, Германия ва Россия сингари кўплаб ривожланган мамлакатлар мазкур АПХлар операцияларига миллиардлаб маблағ ажратадилар.

Ахборот психологик хуруж асосан зиёлилар қатламига, яъни шифокорлар, ўқитувчилар, маданият соҳаси ходимларига йўналтирилган бўлади.

Йўналганликнинг бундай сабаби шундаки, аҳолининг айнан шу қатлами миллатнинг маънавий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий дунёқарашини шаклланишида катта аҳамият касб этади.

Зиёлилар қатлами аҳолининг бошқа қатламларига нисбатан ақлий меҳнат билан кўпроқ шуғулланганлиги боис, мулоқотга киришувчан, динамик бўлиб, уларда ўз-ўзини баҳолаш ҳисси юқори ривожланган бўлади, бу эса бутун мамлакат, вилоят, ҳудуднинг ижтимоий ҳаёти таҳлили, «махсус» маълумотга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари, айнан зиёлилар қатлами маданият, иқтисод ва жамиятнинг бошқа соҳаларида янгиликнинг тарафдори ва тарғиботчиси, ижтимоий фикрнинг шаклланишида, қадриятларни қарор топишда муҳим омил сифатида ўз ифодасини топган.

Ахборот психологик хуружнинг иккинчи объекти динамик, ўзгарувчан характерга эга, барча соҳаларда янгиликларга интилаётган ўқувчи ёшлар ахборот психологик операция ташкилотчилари тузоғига тез илиниб қолдилар.

АПХ мутахассислари бирор-бир мамлакатга таъсир қилишдан аввал турли фондлар, нодавлат ташкилотлар ва ассоциациялар ёрдамида халқнинг миллий психологик хусусиятлари, қатлам ва табақалари, катта ва кичик гуруҳлари тўғрисида маълумот йиғиб, таҳлил қиладилар.

Халқнинг ирим-сиримларга, миш-мишларга бўлган ишончини ва муносабатини ўрганиб, таҳлил қиладилар. Шунинг асосида юқори даражадаги ахборот психологик операцияларнинг стратегик режаси тузилиб, тасдиқланади.

XX асрда манипулятив ва амалий психология ривожланишининг асосини З.Фрейднинг инсон хулқида онг ва онг ости аҳамияти назарияси ҳамда Милртон Эриксон ишлаб чиққан замонавий гипноз элементлари ташкил қилган. Фрейдистларнинг «онг фикрлайди, онг ости эса инсонни бошқаради», деган шиорини АПХ мутахассислари ўзлаштириб, бунинг асосида «вирус тамойилини» яратдилар.

Ушбу тамойил онг «цензурасини» четлаган ҳолда инсон онг остига визуал, аудиал, кинестик маълумотни сингдириб, аста-секин аввал мавжуд бўлган маълумотларни ўзгартиради ҳамда доминант ва дастурловчи маълумотга айланади.

Ушбу «ахборот-психологик вирус» худди грипп вируси сингари психиканинг ички ҳимоя механизмини емириб, сустлаштиради, натижада инсон психикаси ишонувчан ва бўйсунувчан бўлиб қолади. Сўнгги 10

йилда инсон онгини ОАВ, Интернет ва миш-мишлар орқали дастурлаш ва қайта дастурлашнинг кўплаб методикалари яратилган.

«Миш-миш – бир одамдан иккинчи одамга ўтадиган тасдиқланмаган ва ўрганилмаган маълумот ёки хабарлар. Миш-мишлар қоникмаслик, кўркув, хавотирлик, ўз-ўзини кўрсатиш, билимдонликни намойиш этиш кабиларни ифодалайди» (Психологический словарь «Харверс» 2004 й).

Ушбу таърифга яна шуни қўшимча қилиш мумкин: миш-миш бу информацион эмоционал аҳамиятга эга бўлган ахборотдир, зеро ушбу ахборот инсоннинг хиссиёти ва эмоцияларига таъсир этмаса у миш-мишга айланмайди. Яъни, айнан маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки қониктирмаган қизиқиш миш-мишларнинг келиб чиқишига асос бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда инсон ўзининг туғма психокомплекслари, яъни, кўркув, қизиқиш, хасислик, ўзини устун қўйиш ва ҳоказо туфайли миш-мишларнинг келиб чиқишига ва тарқалишига сабабчи бўлади.

Миш-мишлар имкониятнинг турли соҳаларидан келиб чиқади ҳамда бойитилиб боради.

Ижтимоий психология мутахассислари миш-мишларни фазовий ва экспрессив асосларга ажратадилар.

Фазовий асосга кўра миш-мишларни ҳудудий, ҳудудлараро, миллий ва миллатлараро миш-мишларга ажратиш мумкин. Сўнгги пайтда Интернетнинг ривожланиши миш-мишларнинг кенг тарқалишига замин яратмоқда. Тез тарқалувчи миш-мишлар қаторига эстрада ва кино юлдузларининг шахсий ҳаётига оид миш-мишлар киради.

Миш-мишларни экспрессив асосига кўра ёки одамларнинг эмоционал реакцияси асосида «хоҳиш-истак – миш-миши», «кўрқитиш миш-миши» ва «тажовуз миш-мишлар»га ажратишади.

«Хоҳиш-истак – миш-миши» асосида инсоннинг онг остида ижтимоий ва шахсий ҳаёти билан боғлиқ маълум бир хоҳишининг амалга ошиш эҳтиёжини ташкил қилади. Бундай миш-мишлар қаторига:

а) номаълум учар жисмлар, гуманоидлар билан учрашувлар ҳақидаги миш-мишлар – уларнинг асосида инсониятнинг коинотда ёлғиз эмаслигини ҳис этиш хоҳиши ётади.

б) илоҳий кучлар, экстрасенс – табибларнинг ғайриоддий даволашлари тўғрисидаги миш-мишлар – бунда касалликдан қутулиш, узоқ яшаш, бирор кимсага ёрдам бериш истаги.

в) бирор инсоннинг қамалиши, мансабдан тушганлиги ва ҳоказо – бунда раҳбарни ёки меҳнат шароитини ўзгаришини хоҳлаш истаги бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, «хоҳиш-истак миш-миши» иккинчи жаҳон уруши даврида ўзига хос ҳарбий операцияларини амалга оширишда ишлатилган. 1944 йилнинг феврал ойида англо-америкалик психологик хуруж мутахассислари Германиянинг тинч аҳолиси ўртасида Дрезден шаҳрида У.Черчилънинг яқин қариндошлари яшаганликлари боис шаҳар бомбардимон қилинмаслиги ҳақида миш-миш тарқатилган. Яқин қишлоқ

ва шаҳарчаларнинг минглаб аҳолиси Дрезден томон отланди, бироқ 13 февралдан 14 чига ўтар кечаси шаҳар тамомила бомбардимон қилинди. Минглаб аҳоли ҳалок бўлди (Винокуров И. Гуртовой Г. “Психотронная война” М.2012г.).

Шу ерда турли хил экстрасенслар, табиб ва бахшиларнинг ғаройиб даволашлари, сеанслари ҳақидаги миш-мишларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бир қарашда, бундан миш-мишларни тарқатаётган одам беморларга ёрдам бермоқчи бўлиб, табибнинг сеҳр кучи ҳақида сўзлайди. Бундай миш-миш фойдали миш-мишга ўхшаб кетади, бироқ бемор кутилаётган натижага эриша олмай тушкунликка, умидсизликка тушиб қолади ва организмнинг ҳимоя, иммун тизимини сусайтиради.

«Қўрқитиш миш-миши» асосини одамларнинг номаълумлик олдидаги қўрқув комплекси ташкил қилади. «Қўрқитиш миш-миши» ҳаётимизнинг турли омилларига тегишли бўлиши мумкин, хусусан, ўлим, касаллик, очлик ёки табиий офатлар – зилзила, сел, тайфун ва вулқонлар олдидаги қўрқув; ижтимоий катаклизмалар – уруш ва революциялар, террористик хужумлар ва ҳоказо. Бундай миш-мишларни тарқатаётган ҳар бир инсон ўз қўрқувининг маълум бир қисмини бошқа бир одамга ўтказиб, ваҳмадан биров қутулишни истайди, шу билан бирга онг остида атрофдагилардан бу миш-мишга нисбатан қаршилиқни излайди.

«Қўрқитиш миш-миши» ҳарбий ишларда ўзининг асрий тарихига эга. А.Темур ўз хужумларини бирор мамлакатга уюштиришдан аввал, бу мамлакатга минглаб дарвеш, девона ва роҳибларини юборар эди, улар эса Темур аскарларининг енгилмаслиги, жасорати ҳақида турли миш-мишларни тарқатар эдилар.

«Қўрқитиш – миш-миши» оммани ваҳмага солиб «портлаш эффекти»гача олиб бориши мумкин. АПХ мутахассислари бундай ваҳима эффектидан унумли фойдаланиб, бошқарув тизимига, миллатга қарши йўналтирилиши мумкин. Тарихдан маълумки, «қўрқитиш миш-мишлари» ёрдамида миллатлараро низолар вужудга келарди, нархларнинг ошиши тўғрисидаги «қўрқитиш миш-мишлари» иқтисодни дестабилизация қиларди, «қиёмат куни» яқинлашаётганлиги тўғрисидаги миш-мишлар эса руҳий хасталикларнинг кўпайишига замин яратар эди.

«Агрессия – тажовуз миш-миши» - миш-мишлар орасида энг даҳшатли ва олдиндан билиш қийин бўлган миш-мишларни ифодалайди. Сиёсий арбоблар, раҳбарлар, эстрада юлдузлари, яъни омманинг доимий эътиборида бўлган одамлар мазкур миш-миш объектига айланадилар.

Ҳасад ва ғаразлик, жаҳл, нафрат кабиларнинг ушбу миш-мишда мужассам бўлиши аксарият ҳолларда инсоннинг фикрлашини тормозлаштиради.

Тажовуз миш-мишидан давлат миқёсида миллатлараро, ҳудудлараро муносабатларни низо вазиятига олиб бориш мақсадида кенг фойдаланилади. Бундай низолар мисолида Европа, Кавказ ва Ўрта Осиё вазиятларини кўриш мумкин.

Ушбу миш-мишда тажовузкор маълумотни шу кадар ошириб юборишади-ки, санок кўрсаткичлари кескин ошади: граммлар тоннага, санокли ҳалок бўлганлар, юз минглаб ҳалок бўлганлар сонига айланиб кетади. Сифат кўрсаткичлари эса даҳшатли меъёрларни ифодалайди, яъни қатъийликни – тажовузлик деб, жиддийликни – жаҳлдорлик деб, тартиб ўрнатишни эса намойишчиларни тарқатиш ва эркинликка чек қўйиш деб жар соладилар. «Тажовуз миш-миши» мия фаолиятининг сенсор каналларининг барчасига кўриш, эшитиш, ҳид ва тери-тактил ҳисларига кучли таъсир этиб, омманинг тажовуз тасаввурларини кучайтиради.

Миянинг онг ости даражаларига бундай миш-мишларнинг сингиб бориш самараси ва аҳолининг ўртасида тез тарқалиши мазкур ахборот психологик хуружнинг сиёсий, ҳарбий ва криминал вазиятларда кенг ишлатилишига замин яратмоқда.

Миш-мишларнинг тарқашини тезлигини ошириш ва маълум даражада уларни объектив бойитиш мақсадида мутахассислар томонидан кўплаб методик услублар яратилган. Улар орасида қуйидагиларни ифодалаш мумкин:

- Обрў-эътибордан фойдаланиш усули:

бундай усуллардан теле ва радио журналистлари сенсацион-сиёсий ёки инфор­мацион кўн­гилочар «50 га 50», «Юзма-юз» каби кўрсатувларда фойдаланадилар. Бунда улар «олимларнинг таъкидлашича...», «донишмандлардан бири айтганидек...», «сиёсий арбобларимизнинг фикрига кўра...» каби иборалардан моҳирона фойдаланадилар. Шу каби маълумотни тарқатувчи ўз навбатида аниқ инфор­мацион манбани кўрсатмайди. Қайси олим ва қачон, қаерда бу ҳақида ёзганлиги? Қайси сиёсий арбоб ва қачон айтганлиги? Натижада ушбу мавҳумлик навбатдаги миш-миш тарқатувчиси томонидан «бойитилиб» тингловчилар орасида обрў топиш мақсадида янада кенгайиб кетади.

- «Хизир ташрифи» усули:

иқтисодий ва сиёсий, миллатлараро ва этникаро беқарорлик, диний ва ҳудудий келишмовчиликлар «хизир ташрифи» усулининг кенг алмашинуви­га қулай имкон яратади.

Авлиёларнинг башорати, муқаддас ёзувлар, табиий ҳодисаларнинг «авлиё-кексаларнинг» ташрифи билан, кимдир томонидан «авлиёни кўриш ёки эшитиш» ва нихоят Нострадамус башоратлари каби­лар психологик хуруж мутахассислари томонидан «хизир ташрифи» усулида кенг иш­латилади. Мазкур усул миш-мишларни миянинг энг иррационал қисм­ларига сингиши ҳамда инсоннинг ҳулқий ва дунёқарашида шаклланишига замин яратади.

Инсон заҳирасига сингиб кетган ғайритабиий ва ноанъанавий ҳодисалар, муқаддас ёзувлар олдидаги кўрқув, хизир ва авлиёларга бўлган ишонч бундай миш-мишларнинг тарқалишини асосини ташкил қилади. Ушбу кўрқув инсонни олинган «Мактуб-истак»ни кўчиришга ундайди. Мактуб матнида «агар мактуб олувчи хатни кўпайтириб ўз яқин ва танишларига тарқатмаса, оиласига катта мусибат тушиши» ифодаланган

бўлади. Бундай мактубнинг мақсади: тақдир олдидаги хавотирлик, кўрқув, ички дискомфортни кучайтириш. Юқорида кўрсатилган инсон психикасининг ҳолатлари эса омманинг ишонувчанлигини ошириб, уларга таъсир этишни енгиллаштиради. Маълум бир ҳудудда мазкур мактубларни тарқатгандан сўнг, у ерда миш-мишларнинг барча турини тезлик билан тарқатадилар.

Компьютер технологияларининг ривожланиши инсон психикаси чуқур қатламларининг ўрганилиши инсон онгини бошқариш усулларининг кўпайишига замин яратиб, жамоа фикрини ва маълум бир дунёқарашни шакллантиришда «махсус қурол» вазифасини ўтамоқда.

Жамоа ва ташкилотлардан турли миш-мишларни ходим ва ишчилар ёки раҳбар ва ходимлар ўртасидаги кичик ахборот-психологик операциялар тоифасига киритиш мумкин. Улар ҳам катта АПХларнинг келиб чиқиш ва тарқалиш, таъсир этиш механизмларига тўлиқ бўйсундилар. Миш-мишларнинг барча тури ишончлилик даражасига кўра:

- умуман исбот-далилга эга бўлмаган, яъни ёлғонга асосланган;
- ҳақиқатга яқин;
- ҳақиқий, яъни эҳтимоллик элементларини ўзида мужассам этганларга ажратилади.

Миш-мишлар турини ва ишончлилигини таҳлил қила олиш, келиб чиқиш манбалари ва сабабларини ўрганиш миш-мишлар олдини олишга ҳамда таъсир кучини камайишига замин яратади.

Миш-мишлар билан ишлашда қуйидаги омиллардан фойдаланиш жуда муҳим.

1. Аниқлаштирувчи саволларни кўпроқ беринг, «қачон, қаерда, қанча, қандай?» каби саволлар маълумот тарқатувчини ноқулай аҳволга солиб, ўзига ишон ҳиссини сусайтиради. Фикрларнинг бир-бирига зидлигини: «менимча бу ҳақиқатга яқин эмас» ёки «агар бу миш-миш бўлса, келинг унга вақтимизни кетказмайлик» каби иборалар миш-мишнинг аҳамиятини пасайтириб, уни нейтраллаштиради.

2. Маълумот тарқатувчидан маълумотни қаерда олганлигини аниқлаштириб олинг, хусусан «буни қаердан олдингиз?», «ким айтди сизга ёки қайси манбадан ўқидингиз?», «қайси газетада ва қайси сониди шундай дейилган?» каби саволлардан фойдаланган ҳолда.

3. Шу ўринда миш-миш тарқатувчисига бераётган маълумотларини асослаб беришга имкон яратиш: «айтган фикрларга шахсан ўзингиз қай даражада ишонасиз?», «ишончингизни асослаётган манба мавжудми?», «маълумот берувчи манбага қай даражада ишонасиз?»

Фикримиз хулосага келганда, шуни таъкидлаш керак-ки, турли хил асосга эга ва эга бўлмаган миш-мишларнинг тарқалиши ҳам, тарқатувчининг ҳам қабул қилувчининг эмоционал-психологик ҳолатида акс этади.

Демак, миш-мишлар асосини ташкил этувчи «вирус тамойили» бир вақтнинг ўзида ҳам жамоа ва жамият ичида қарама-қаршилиқни юзага

келтиради ҳамда миш-миш тарқатувчининг маънавий дунёқарашини емириб, маънавий қашшоқ қилиб қўяди. Бирор маълумотни бирор кимсага етказиш патологик эҳтиёжга айланиб қолади, бу эса инсон тафаккури, эмоциялари ва идрокига асосланган табиий билиш жараёнларини емирилишига олиб келади.

Миш-мишнинг тарқалиш жараёни бумеранг отиш жараёни каби бўлиб, бир кун бари-бир ўз эгасига янада кучлироқ бўлиб қайтиши мумкин. Миш-миш тарқатаётган одам бировга чоғ казиётган, лекин шу чоғга ўзи ҳам тушиши мумкинлигини ўйламаётган одамга ўхшайди.

Шундай экан, маънавиятни инсон қалбига сингдириш, уни мафкуравий бўшлиқдан халос этиш, уни тизимли равишда ташкил этиш мақсадга эришишнинг бирдан-бир устувор йўлидир. Шу сабабли ҳам таълим-тарбия соҳаси, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, яъни инсон қалби ва тафаккурига таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжи, замон талабларига мос равишда кучайтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият - енгилмас куч” Тошкент 2010й.
2. Лайнбажер П. “Психологическая война” Москва 2012й.
3. Винокунов И. Гуртовой Г. “Психотронная война” Москва 2014й.
4. Шейнов В. “Психология влияния” Санкт-Петербург 2010й.